



HARBIY XIZMATCHILARNI IJTIMOIIY HIMOYA QILISHNING MOHIYATI VA NAZARIY ASOSLARI

Омонов Усмонқул Рахмонқул ўғли

Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги

Университети магистратураси тингловчиси

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7821025>

ARTICLE INFO

Received: 03rd April 2023

Accepted: 11th April 2023

Online: 12th April 2023

KEY WORDS

Моддий ҳимоя, ижтимоий
ҳимоя, сиёсий, ижтимоий-
иқтисодий, ҳуқуқий.

ABSTRACT

Мақолада ҳарбий хизматчиларни ижтимоий
ҳимояси тушунчаси ва унинг моҳияти ва аҳамияти,
ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий ҳолати ва уларни
ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини тадқиқ
қилинганлиги бўйича маълумотлар таҳлил
қилинган, ушбу йўналиш бўйича тегишли таклиф ва
тавсиялар ишлаб чиқилган.

Глобаллашув шароитида юзага келаётган ғоявий-мафкуравий урушлар ва ахборот хуружлари, халқаро тусдаги ижтимоий-иқтисодий қарама-қаршиликлар, минтақавий можаролар, оммавий норозиликлар ва ички низолар кучайиб бораётганлиги - дунё мамлакатларида хавфсизликни таъминлаш тизимининг замонавий таҳдидларга қарши курашиш бўйича реал имкониятларини кенгайтириб бориш долзарб тус олмоқда. Айниқса, хавфсизлик, мудофаа ва ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи субъектлар тезкор ва жанговар қобилиятини ошириш, бунда ҳарбий хизматчиларни ҳар қандай таҳдидларни олдини олиш учун доимий шай ҳолатда сақлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борада, дунё давлатлари ички ва ташқи хавфсизликни таъминловчи кучларнинг жанговар қобилияти ва жанговар руҳиятини оширишда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган аниқ чораларни қўллаш, бу борада давлат томонидан кафолатланган тизимни йўлга қўйиш асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш масаласи - давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Шй боисдан ҳам ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларига давлатимиз раҳбарияти томонидан алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг "..., **ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Қуролли Кучларимиз фахрийларини ижтимоий ҳимоялаш ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз**"[1] деб таъкидлаб ўтганлиги, ушбу масала давлат раҳбариятининг диққат марказида эканлигидан далолат беради.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 — 2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармонининг[2] 91-мақсадида Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш, Қуролли Кучлар ҳарбий хизматчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўрсатилаётган тиббий таъминот сифатини янада ошириш[3] дея лоҳида еътироф етилганлиги мамлакатимизда ушбу соҳага қаратилаётган еътиборнинг намунаси сифатида кўришимиз мумкин.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусияти, шунингдек, унинг юқори интенсивлиги, ижтимоий аҳамияти ва масъулияти, ҳарбий мажбуриятни бажараётган фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфнинг ошиши билан боғлиқ бўлган бир қатор конституциявий ҳуқуқларнинг чекланиши, буларнинг барчаси давлат томонидан кафолатланиши керак

Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий таъминоти давлат ҳарбий хизматчига муайян еҳтиёжни қондиришда қандай ёрдам беришини англатади. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий таъминотнинг асосий турлари қуйидагилардан иборат:



1-расм. Ҳарбий хизматчилар ижтимоий таъминотнинг асосий турлари

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммосининг долзарблиги Қуролли Кучларимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичида ҳарбий хизматчиларни қонун билан белгиланган кафолатларини амалга ошириш, уларнинг ижтимоий мавқеини ошириш муаммосига сифат жиҳатидан янгича муносабатда бўлишни талаб этади. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш муаммосини ҳал қилиш бутун аҳолини, хусусан ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида жамиятда тўпланган тажрибани назарий умумлаштириш ва тизимлаштириш зарурати билан боғлиқ.



Ижтимоий ҳимоя тушунчасига еътибор қаратадиган бўлсак, “Ижтимоий ҳимоя” атамаси биринчи марта 30-йилларда АҚШда пайдо бўлган ва давлат аҳолининг маълум қатламларига минимал даражадаги турмуш даражасининг кафолатини англатаган.

Бу борада кўплаб илмий изланишлар олиб борган олимларни келтириш мумкин. Жумладан:

Профессор Д.Ахмедов ҳам **“ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ”** тушунчасини илмий жиҳатдан батафсил ўрганиб, куйидагича: “кенг маънода бу - мамлакат аҳолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуи, тор маънода - давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тириклик воситалари билан етарли таъминламагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги” деб таъриф берган[4]

Муаллиф бу тушунчани таърифлаш учун инсоннинг ижтимоийиқтисодий ҳуқуқлари доирасини аниқлаб олиш керак деб ҳисоблаб, ўз ишида давлат хизматчиларининг алоҳида тоифалари, яъни ҳарбийлар, Миллий гвардия органлари ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясига ҳам аҳамият қаратади. Масалан, ўз таҳлиллари натижасида норматив ҳужжатларда “ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя” тушунчаси “ҳуқуқий ҳимоя” тушунчасини ўз ичига қамраб олмасдан алоҳида мустақил мазмунга эга эканлигини таъкидлайди.

Рус олими Ю.Мгимовнинг фикрига кўра, ижтимоий ҳимоя бу - инсоннинг ҳаёти ва фаол мавжудлиги, эҳтиёжларини қондириш, ҳаёт шароитининг минимал даражасини кафолатлашга қаратилган тадбирлар ва уларни амалга оширувчи муассасалар тизимидир. Умумий маънода ижтимоий ҳимоя демократик ҳуқуқий давлат томонидан фуқаролар, турли жамоаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан чекланиб қолмай, улардан амалда фойдаланишни кафолатлаш, амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни англатади[5]

Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш - бу ҳарбий тоифадаги фуқароларнинг ижтимоий ва иқтисодий хавфсизлигини ташкил этадиган, ҳарбий хизматчиларнинг манфаатларини, моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берадиган, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар мажмуи[6].

Бошқача айтганда, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш деганда биз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлар тизимини, шунингдек, жамият томонидан уларга хизмат ва яшаш учун қулай шароитлар яратиб берадиган кафолатларни тушунаимиз.

Иқтисодчи олим В.М.Корякин фикрига кўра, ҳарбий хизматчининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳолати олти асосий таркибий элементдан иборат[7]: ҳуқуқлар, ижтимоий кафолатлар, мажбуриятлар, жавобгарлик, чекловлар ва имтиёзлар. Ижтимоий ҳуқуқларни даражасига қараб уч гуруҳга ажратган. Улар сирасига умумий ҳуқуқлар, мансаб ҳуқуқлари ва махсус ҳуқуқлар киради.

Рус олими А.В.Кудаевнинг таъкидлашича, ҳарбий хизматчилар учун имтиёзлар - бу фуқароларга ҳарбий хизмат мажбуриятларини ёки муайян давлат вазифаларини бажариш муносабати билан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган махсус (қўшимча)



ҳуқуқ ва имтиёзлар[8]. Ушбу имтиёзлар бошқа фуқаролар билан тенг ҳуқуққа эга бўлган ҳуқуқларга қўшимча равишда, жамият ҳаётининг турли соҳаларида ҳарбий хизматчиларга бериладиган ҳуқуқлар кўринишида бўлади. Уларни белгиловчи нормалар ҳуқуқнинг турли соҳаларига тааллуқлидир ва жами равишда ҳарбий қонунларнинг муҳим қисмини ташкил этади.

Ҳарбий олим А.В.Коровниковга фикрига кўра, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими - бу меҳнат ресурсларининг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишини, ўзига хос фаолиятини ҳарбий ривожланишнинг замонавий вазифаларига мувофиқ равишда рағбатлантиришни таъминлайдиган, давлат моддий манбалари асосида ҳарбий хизматчиларни ижтимоий эҳтиёжларини қондиришнинг усуллари, услублари, шакллари ва механизмлари тўплами. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими давлатнинг ҳарбий-ижтимоий сиёсатининг асосини ташкил этади. Ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизими бир қанча функцияларни бажариб улар таркибига қуйидагилар киради: иқтисодий, демографик, ижтимоий ва реабилитация функциялари[9].

Давлат томонидан ҳарбий хизматчиларга ижтимоий мавқеига мувофиқ, маълум имтиёз ва устунликлар берилиб, шу билан улар учун хизмат даврида кундалик қийинчиликлар ҳақида ўйламасдан иш вақтини тўғридан-тўғри ҳарбий касбий фаолиятларига қаратиши учун шароит яратиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “ижтимоий ҳимоя - бу нафақат давлат ташкилотлари ва ҳокимият органлари, ижтимоий ҳимоя муассасалари ва ҳомийлик ташкилотларининг иши бўлиб қолмай, балки бутун жамиятнинг диққат эътиборида бўлиши керак” [10]

Рус иқтисодчи олими Н.А.Серебрякованинг таъкидлашишча, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш давлат ҳокимияти, ҳарбий қўмондонлик ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, эркинликлари ва бурчларини амалга ошириш учун шароит яратишда, шунингдек, ҳарбий хизматнинг хусусиятлариданкелиб чиқадиган имтиёзлар, кафолатлар ва компенсацияларда намоён бўлади[11].

Ижтимоий қўллаб қувватлаш - бу асосан иқтисодий фаол аҳолига тегишли ва ёлланма ходимларнинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлашга имкон берувчи шарт-шароитларни яратишга қаратилган тадбирлар тизимидир.

Юқоридаги тадқиқотлар натижаси ва олимлар фикр-мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда бизнинг фикримизча **ижтимоий ҳимоя** — бу инсоннинг ҳаёти ва фаол мавжудлиги, эҳтиёжларини қондириш, ҳаёт шароитининг минимал даражасини кафолатлашга қаратилган тадбирлар ва уларни амалга оширувчи муассасалар тизимидир. Умумий маънода ижтимоий ҳимоя демократик ҳуқуқий давлат томонидан фуқаролар, турли жамоаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан чекланиб қолмай, улардан амалда фойдаланишни кафолатлаш, амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни англатади.

Демак ҳарбий хизматчиларни ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ҳимоя қилиш муаммоларини таҳлил қилиш бир нечта муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.



Биринчидан, бу бизга ушбу соҳада жамият ва давлат олдида турган барча масалаларни аниқлаштиришга имкон беради.

Иккинчидан, шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилишда йўл қўйилган хатолар такрорланишининг олдини олишнинг ўзига хос кафолати.

Учинчидан, ҳозирги кунда амалга оширилаётган ҳарбий ислоҳотлар шароитида ушбу муаммони ҳал қилишнинг мақбул йўллари танлашга ёрдам беради.

Тўртинчидан, бу ҳарбий хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик базасини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Жаҳон амалиётида давлатнинг муҳим функцияларидан бири бу аҳолининг айрим тоифалари учун ижтимоий ҳимоя чораларини қўллашдир. Аҳолининг бундай тоифалари орасида йетакчи ўринлардан бирини ҳарбий хизматчилар егаллайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳарбий хизматчиларни (ходим) ижтимоий ҳимоя қилиш йўллари ва механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга жорий этиш орқали ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, биринчи навбатда, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила-аъзолари томонидан эътироф этилишига, шунингдек, уларда ўз хизмат вазифасига бўлган муносабатнинг ижобий томонга ўзгариши ва самарадорлигининг ошишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, ҳарбий хизматчиларга юклатилган вазифалар ижросини ўз вақтида ва самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 30 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни” муносабати байрам табриги, 2022 йил 14 январь
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони, <https://lex.uz>
3. 91-мақсад: “Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш”, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, <https://lex.uz>
4. Д.А.Ахмедов “Ижтимоий таъминот ҳуқуқи”, Ўзбекистон Республикаси Олий ваўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув юртлари учун дарслик сифатида тавсия қилинган <https://www.ziyouz.com>
5. Мгимов Ю.Социально-правовой статус военнослужащих США.//Зарубежное военное бозрение. - 1992.
6. З Корякин В.М. Военно-социальная политика: // Военная мысль. - 2003 - №2.
7. Корякин В.М. “Право социального обеспечения военнослужащих, граждан уволенных с военной службы и членов их семей.- М.: “За права военнослужащих”, 2005 г.
8. Кудаев А.В. Социальная защита военнослужащих в условиях социально-экономического развития России: автореф. дис. канд. социол. наук : 22.00.03 / Кудаев А. В. – Саратов, 2017. – 18 с.



9. Коровников А.В. Социальная защита военнослужащих: становление, развитие и правовое регулирование. М., Юрист, 2003.
10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Ватанпарвар, 2017 йил 29 декабрь.
11. Серебрякова. Н.А. Система социальной защиты военнослужащих / Н. А. Серебрякова // Вестник Саратовского государственного технического университета. – 2008. – Т. 1, № 1 (30). – С. 211–223.